

ЎЗБЕК ВА ҚЎМИҚ ХАЛҚЛАРИ НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМ УДУМЛАРИ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мардонова Гулжахон Амоновна,
педагогика фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори. Мустақил изланувчи
(DSc),

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги
Илм-фан ва инновациялар бўлими бошлиғи
GulgahonOmonovna@gmail.com

Аннотация: Мақолада никоҳ тўйи маросими фольклори билан боғлиқ жиҳатлар ўзбек ва қўмиқ тўйлари мисолида таҳлил этилади.

Таянч сўзлар: никоҳ тўйи, расм-русум, ўзбек, қўмиқ.

Туркий халқларнинг тўй билан боғлиқ маросимларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратган Н.А.Маев, Н.П.Лобачева, В.Наливкин, М.Наливкина, Л.Н.Гумилёвларнинг тадқиқотларида бир қатор назарий қарашлар илгари сурилган. Айниқса, бу борада фольклоршунос олимларнинг маросим жанрларига хос фольклор асарларини ёзиб олиш, тартибга солиш, уларнинг ижроси, таъсир кучининг ижтимоий-маиший, маърифий ва иқтисодий томонлари борасидаги кузатувлари бир қатор илмий муаммоларни тадқиқ этиш учун дастуриламал вазифасини бажаради.

“Туркий халқлар оғзаки ижоди тарихининг илк даврлари ўрганилганда туркийлар номи билан шуҳрат қозонган кўплаб халқларнинг урф-одати, маросими, маданиятига мурожаат қилиш ўринлидир. Чунки бугунги кунда мустақил миллат сифатида шаклланган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, уйғур, озарбайжон, усмонли турк, татар, ёқут ва бошқа халқлар қадимги туркийларнинг авлодларидир” [1; 6].

Тўй жаҳон халқлари маросими сифатида алоҳидаликка эга бўлса-да, ҳар бир халқнинг миллий-этник хусусиятлари асосида локал белгиларига эгадир. Айниқса, туркий халқлар тўй маросимлари билан боғлиқ анъаналар бир-бирига яқин ва муштараклиги жиҳатидан ажралиб туради. Никоҳ тўйи маросими билан боғлиқ турли ритуал хатти-ҳаракатлар, расм-русумлар, урф-одатлар, ирим-сиримларнинг амалга оширилиши ўқ илдизи битта бўлган туркий халқларнинг бир-бирига яқинлигини далиллабгина қолмай, ўзига хос жиҳатларини ҳам намоён этади.

Никоҳ тўйи маросим фольклорининг дастлабки босқичига мансуб удумлар локал белгилари ҳамда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Халқимизда азал-азалдан қандай хонадон билан қудалашини муҳим масала ҳисобланган. Бунда оиладаги ижтимоий муҳит, фарзандларнинг тарбияланганлик даражасига эътибор қаратилган. Фарғона водийсида турмушга чиқиш ёшига етган қизнинг ҳовли ташқарисини супуриб, сидириши, орасталиги, мулойимлиги махсус аёллар томонидан кузатилган. Ҳатто унинг чеварлиги – тўн, парпаша тўн, нимча, чойшаб, дўппи тикиши, белбоғ йўрмалашини билан боғлиқ фазилатлари алоҳида ўрганилган. Агар қиз ва унинг оиласи куёв тарафга маъқул тушса киши билмас одам йўллайдилар. Йўлланган вакил қиз тарафнинг фикрини ўрганади, вазиятга қараб иш тутилади.

Вакил уч марта боргач, агар қиз тараф рози бўлса (Жиззах вилояти) дастурхонга эритилган сариёғ қўяди. Вакил сариёғдан татиб кўради. Бу Жиззахда “Оғзи мойланди” деб аталади. Ана шундан сўнгги ҳақиқий совчи йўлланади.

Қўмиқ олими А.Моллаевнинг фикрича, қўмиқ халқида ҳам қиз томон ўз қарорини айтишга асло шошмайди, обрўсини сақлайди. Йигит тарафдан обрўли, ишончли киши – *арачи* қиз томонга юборилади. Унинг вазифаси қизнинг ота-онасининг бўлажак куёв тараф ҳақидаги фикрини билишдир. Иш пишиб етилгач, қиз томонга *гилечи* (совчи)лар жўнатилади [3;8].

Қўмиқ олими Абдул Мажид Моллаевнинг фикрича, қўмиқ халқида оила билан қудалашини йигитнинг ота-онаси ҳал қилади. Бунда жуда кўп омиллар: оиланинг обрў-эътибори, йигит қизнинг уруғ-аймоғи, таъминланганлик даражаси, куёв ва келин бўлмишнинг шахсий сифатлари аҳамиятлидир [3;8].

Биз туркий халқлар фольклори – халқ эртаклари, дostonлари орқали маликаларни қирқ канизи кузатиб борганлиги тўғрисида яхши биламиз. Халқимизда тўйдан бир кун олдин қиз хонадонидан бўлиб ўтадиган “Хинадандон”, “Қиз жийин”, “Қиз майлиси” каби маросимлар борки, бунда бўлажак келинни янги олам – хотинлик дунёсига дугоналари кузатиб қўядилар. Улар янги муҳит олдидан ҳаяжонланаётган қизнинг кўнглини хотиржам қиладилар, унга далда берадилар. Демак, қизнинг дугоналари образи асосида қадимий-тарихий реаллик ва пухта ўйланган фольклор персонажларини кўриш мумкин. Қўмиқ олими А.Моллаев ҳам “*куда қизлар*” (куда қизлар) ўз дугоналарини келинлик дунёсига кузатиб, узатишиб бориши ҳақида маълумот беради [3;9].

Никоҳ тўйи маросимларининг пайдо бўлиши кўп асрларга бориб туташса-да янга образи ҳамон муҳим аҳамият касб этишида давом этмоқда. Янга – бўлажак келинни ёвуз кучлардан, инс-жинслардан ҳимоя қилувчи шомондир. А.Моллаевнинг таъкидлашича, кўмиқ тўйларида келиннинг энг яқин кишиси “*абай*” (келин янга) муҳим ўрин тутади. Ҳар қандай аёл ҳам бу вазифани бажаришга рози бўлмайди. Чунки кўмиқ тўйларида барча ҳазил-мутойибага асосланган ҳатти-ҳаракат, сўз ва кўшиқлар, эротик қочирим (айниқса шимолий ҳудудларда) айнан унинг шаънига айтилади [3;9].

Ўзбек никоҳ тўйи маросимида чироқ деталдан фойдаланилади. Чимилдиқ удумларида келин-куёвдан чироқ уч марта айлантрилади. Бу удумда ўчоғингда оловинг сўнмасин, чироғинг ҳамиша ёниб турсин деган ният зоҳирдир. А.Моллаевнинг таъкидлашича, кўмиқларда узатилиб кетилаётган қизнинг чироқ тутган дугонаси, келинга масъул аёл ва қуда қизларни келин тарафдан тайинланган қоровул образидаги йигитлар кўриқлаб борадилар [3;17-18].

Халқимизда никоҳ тўйи куни келинни узатишиб бораётган аёллар ёр-ёр кўшиқлари куйлайдилар. “Ўзбекларда “ёр-ёр”, қозоқларда ва қирғизларда “жар-жар”, афғонларда “ной-ной”, уйғурларда “нахшо”, қорақалпоқларда “хеўжар” деб номланувчи ушбу жанр келин узатиш кечасида ижро этиладиган, ҳар байти радиф билан тугалланадиган, халқнинг қалб кўридан яралиб, тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб ажодлардан-авлодларгача етиб келаётган халқ кўшиғи бўлиб, ўзининг таъсирчанлиги ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳам мунгли, ҳам байрамона усулда, шодиёна кайфиятдаги ижронинг мужассам этилганлиги билан илмий аҳамиятга эгадир” [2;153].

А.Моллаевнинг ёзишича, кўмиқларда куёв тараф қудалар келин дарвозаси олдида келиннинг отаси, ака-укалари, тоғаларини мадҳ этиб турли ҳазилга мойил, улуғловчи кўшиқлар айтадилар. Уларнинг кўшиқларига келин тараф эркаклари жавоб айтадилар. (Бу бизнинг ўланларга ўхшаш бўлиб, айни вақтда айтарли урфдан чиққан. *Таъкид муаллифдан.*) ...Келинни узатиб бориш чоғида куёвнинг дўстлари милтиқлардан ўқ узадилар. Келиннинг энг яқин дугонаси эса унинг гўзаллиги, ота-онасининг яхшилиги, оиланинг тинчлигини мадҳ этувчи кўшиқ куйлайди. Шундан сўнг йўл давомида “*гаъй-гаъй*” (ёр-ёрга ўхшаш. *Таъкид муаллифдан.*) кўшиқлари куйлаб борадилар [3;16]. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўмиқларда чимилдиқ удумлари ниҳоясига етгач рақс уйғунлигида “*Вой таллай*” кўшиқлари айтилади. *Таллай* сўзи жуда қадимий бўлиб, Доғистоннинг тоғли халқлари тасаввурида Оллоҳга муножатдир. Бу кўшиқлар фақат Мажалисс кўмиқларида тўйларида

айтилишини инобатга олинса, у бир овул кўхна маданиятига тегишлидир [3;16].

Халқ оғзаки ижоди намуналари бадиий воситалари сифатида анъаналашган кўплаб рамзий ифодалар, тасвир воситалари тўй кўшиқларида ҳам ўзининг қадимий дунёқараш асосида маълум поэтик вазифа бажариши матннинг ғоявий-бадиий мазмунини ташкил этади. Бу каби тасвирлар эса кўшиқ матни таркибида магик-ритуал, архаик-мифологик унсурларнинг эътиқодий тасаввурлар асосида уйғунлашувини кўрсатиб, маросим сатҳида анъанавий қолип вазифасини ҳам ўтайди.

Туркий халқлар никоҳ тўйлари маросим фольклори кўшиқлари орасида “ёр-ёр”нинг ўрни бўлакча. Бу кўшиқлар аждодларимизнинг ишончлари, магик тасаввурлари, ритуал ҳаракатларда ҳаёт ҳақиқатларини кўришлари маҳсули дейиш мумкин. Ўзбек ва кўмиқ қизлари бир умр ўрганган, азиз билган ота-она уйдан узоқлашиш нечоғлик азоб эканлигини ҳис қилади. Янги турмуш остонасида турган қизнинг руҳий-психологик ҳолати эса “ёр-ёр” ҳамда “гаъй-гаъй” кўшиқларига сингиган.

Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида никоҳ тўйи куни келин ва куёвнинг уйида атлас, духобадан тайёрланган чимилдиқ тутилади. Чимилдиқ ичига тўшаладиган кўрпача, “чироқ айлантлар”, “ойна қаратар”, “исирик тутатиш”, ширинликлар сочиш каби барча удумларни бахтли, тахтли, сўзамол, кайвони аёллар бажарадилар. Чимилдиқ атлас, духоба, ялтироқ газмоллардан тайёрланиб, деворга қоқилаётганда икки четига қизил рўмол боғланади, республиканинг жанубий ҳудудларида чимилдиқ боғига иккита ёғоч қошиқ осиб кўядилар. Рўмол бошнинг омонлиги, ёғоч қошиқ эса ҳосилдорлик – серфарзандликка ишорадир. Чимилдиқ рамзий маънода келин-куёвни ёмон руҳлар, ёвуз кучлардан химоя қилувчи магик қудратли восита сифатида қаралади. Ўзбек никоҳ тўйи куни чимилдиқ удумларида бахтсиз, фарзанд кўрмаган аёлларнинг иштирокига таъбу қўйилади.

Кўмиқ олими А.Моллаев ҳам ўз тадқиқотида кўмиқ никоҳ тўйларида этнографик элемент сифатида “*чибилдирикъ*”, “*эн*” (пояндоз)нинг иштироки ҳақида маълумот беради [3;15-16]. Бу жиҳатлар теран томирлари туркий бўлган кўмиқ ва ўзбек халқлари маросимларидаги одатларнинг ўхшашлиги ва ўзига хослигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида тўйнинг эртаси куни “*Келин салом*”, “*Бет очар*”, “*Бет кўрсатар*”, “*Юз очди*”, “*Келин ош емади*”, “*Тахт урди*” (келин-куёв учун тўшаладиган ўрин) каби маросимлар бўлиб ўтади. Улар турлича номланса-да, аммо мазмун-моҳияти айтарли бир хил. Қашқадарё

вилоятининг Қамаши туманида момоси ёки онасининг келинлик давридан қолган миллий либосларни кийган келинни янгаси “Келин ош емади” маросими бошланишидан олдин ҳовлига олиб чиқади. Ҳовлида куёвнинг барча оила аъзолари, амма-холалари, яқин қариндош ва қўшни аёллар келиннинг қадам ташлашини синовчанлик билан кузатиб турадилар. Янга ҳовли юзасига тўшалган гилам олдига келинни олиб келади. Келин гиламга оёқ босишдан олдин йиғилганларга уч марта таъзим қилади (*бу саломлашишдир*). Сўнг гилам устига тўшаб қўйилган *пўстак* (қўй терисидан тайёрланган қишки тўшак) устида туриб олганча янга бошчилигида яна таъзим қилади. Пўстак олдида дастурхон ёзилган бўлиб, унда иккита нон, ширинликлар, лаганда ош туради. Тик турган келиннинг юзидаги оқ докани куёвнинг ўғил бола жиянларидан бири беҳи новдаси ёки ўқлоғи ёрдамида олади. “Беточар” ана шу тахлит бўлиб ўтгач куёв тарафдан келин-куёвга иккинчи она сифатида белгиланган гапга уста, кайвони аёл маросимни бошлайди:

– Ҳов, қайнотасию, келинингиз ош емаяпти!

Даврага куёвнинг отаси яқинлашади:

– Келинжон, ош еяверинг, худо хоҳласа ўғиллар тўққанингизда довдаскали (довруғли) *суннат тўй* қилиб бераман. Шохлари буралган қўчқорлар сўйиб тўй қилиб бераман, – дейди у.

Шундан сўнг қайнона ва куёвнинг барча қариндошлари билан ана шу йўсинда сўз ўйини бўлиб ўтади. Бу маросим келиннинг яхши хонадонга тушганлиги, меҳрибон инсонлар қуршовида эканлигини эслатиб унинг кўнглини хотиржам қилишга йўналтирилган. Шундан сўнг супра олиб келадилар. Кекса момолар келинга тўйда сўйилган қўйнинг ёғли жойини, сўнг мантибоп қилиб гўшт тўғрашни топширадилар. Келин бажариб бўлгач, ҳазил олқишлар билан уни дуо қиладилар. Момоларнинг топшириғига кўра ун солинган қопнинг оғзини келин очади. Унинг бу ишни қандай уддалаётганига эътибор қаратадилар. Илгари мана шу маросимда тўғралган гўшдан келин мазали таом пиширган ва йиғилганлар уни еб яна дуо қилганлар. Шундан сўнг қайнона келинни ўчоқ, тандир олдига олиб боради, уни ҳовли билан таништиради. Келин қайнонанинг хонасига кираётганда эшик устига гилам ёки кўрпа ташлайди. Буни “Эшик илув” деб атайдилар. Никоҳ тўйи маросимининг учинчи босқичи ҳисобланган ушбу удумларда ижтимоий функция бажариш, яъни келинни рўзғорга тайёрлаш мазмуни етакчилик қилса-да, аммо маросим нуқтаи назаридан турли ритуал хатти-ҳаракатлар билан боғланган.

А.Моллаевнинг ёзишича, кўмикларда тўйнинг эртаси куни куёвнинг опаси келиннинг юзини очади. Куёвнинг қўша қариган, серфарзанд холаси нон бўлагини санчқига қистириб шифтга отади. Бу тўкин рўзғор, бахтли ва мустақкам оила бўлсин, деган ниятга ишорадир [3;17].

Кўриниб турибдики, тўй маросимини ўтказиш, у билан боғлиқ магик-ритуал хусусиятлар туркий, айниқса, кўмиқ халқи удум ва анъаналарига яқинлиги асосида умумлашади. Бу каби муштарак белгиларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш маросим фольклорининг локал ва ареал хусусиятларини муаммо сифатида ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек ва кўмиқ халқлари тўй маросими фольклоридаги ўхшаш жиҳатлар ва ўзига хос хусусиятлар уларнинг ижтимоий-иқтисодий, маиший яқинлиги ҳамда диний-эътиқодий тасаввурларининг умуммуштараклик касб этиши билан боғланади. Бу эса тўй маросим фольклори намуналарини типологик нуқтаи назардан ўрганиш ишларини йўлга қўйишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Abdurahmonov A. Turkiy xalqlar og‘zaki ijodi. – Samarqand: Samarqand, 2006. – 182 б.
2. Алиқулова Х.Қ. Ўзбек ва қозоқ ёр-ёрларининг қиёсий типологик таҳлили //Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал), 2022 йил ноябрь. – Б.152-157.
3. Моллаев А.-М.Н. Свадебно-обрядовый фольклор кумыков и его сценическое воплощение: общенациональное и локально-специфическое: автореферат дис. ... кандидата филологических наук. – Махачкала: Ин-т яз., лит. и искусства им. Г.Цадасы, 2012. – 22 с.